

МАТН ЯРАТИШ ВА ТАҲРИР ҚИЛИШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИМКОНЯТИ

Вазира Хусан қизи АБДЮЖАНОВА

катта ўқитувчи

Ўзбекистон журналистика ва
оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Сўнги йилларда сунъий интеллект (СИ) технологиялари жамиятнинг деярли барча соҳаларига кириб бормоқда. Уларнинг таъсири, айниқса, ахборот билан ишлашда, хусусан, матн яратиш ва уни таҳрир қилиш жараёнларида сезиларли даражада кучаймоқда. Сунъий интеллект ёрдамида матнни таҳлил ва таҳрир қилиш, ҳатто автоматик тарзда яратиш имкониятлари пайдо бўлмоқда. Ушбу мақолада матн таҳририда СИ технологияларининг имкониятлари ва уларнинг амалий қўлланилиши ёритиб берилади.

Таянч сўзлар: матн, таҳрир, сунъий интеллект, “Tahrirchi.uz”, “Matn.uz”, ChatGPT, матнни таҳрир қилувчи тизимлар.

ВОЗМОЖНОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СОЗДАНИИ И РЕДАКТИРОВАНИИ ТЕКСТА

Вазира Хусан қизи АБДЮЖАНОВА

старший преподаватель

Университет журналистики и массовых
коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В последние годы технологии искусственного интеллекта (ИИ) проникают практически во все сферы жизни общества. Их влияние значительно усиливается, особенно в работе с информацией, в частности, в процессах создания и редактирования текста. С помощью искусственного интеллекта появились возможности анализа и редактирования текста, даже автоматического создания. В данной статье рассматриваются возможности технологий искусственного интеллекта в текстовом редактировании и их практическое применение.

Ключевые слова: текст, редактирование, искусственный интеллект, "Tahrirchi.uz", "Matn.uz", ChatGPT, системы редактирования текста.

Матн кенг камровга эга тушунча бўлиб, одатда унга тилшуносликнинг асосий объекти сифатида қаралади. Ўз ўрнида, оммавий ахборот воситаларида ҳам матн асосий термин сифатида қабул қилинади. Чунки, жамиятга турли усул ва воситалар орқали етказилаётган ахборот, аввало,

матн кўринишида яратилади [1;11]. Бугунги кунда ахборот технологияларининг ривожланиши сабабли матн устида ишлаш, уни яратиш ва таҳрир қилиш жараёнлари тубдан ўзгариб бормоқда. Илгари инсон ақл-тафаккури орқали амалга оширилган таҳрир ишини эндиликда сунъий интеллект тизимлари тез, аниқ ва услубий жиҳатдан юқори сифатда бажаришга қодир. Матн таҳрири сунъий интеллект томонидан, аввало, матннинг мазмуни, грамматик тузилиши ва семантик (маъновий) контекстини аниқлаш орқали бошланади. У катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиши, асосий ғояларни топиши, мақола ва янгиликлардан тортиб реклама материалларигача бўлган турли матн форматлари учун тузилмаларни таклиф қилиши мумкин. Шунингдек, у контентнинг ўзига хослиги ва аниқлигини юқори даражада ушлаб туради. Бу профессионаллар учун ҳам, материал ёзишни энди бошлаётганлар учун ҳам фойдали ҳисобланади.


Матн грамматик жиҳатдан тўғри бўлишидан ташқари, балки услубий жиҳатдан ҳам ўқувчи учун қулай ва тушунарли бўлиши керак. Сунъий интеллект бу жиҳатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда матнни расмий ёки норасмий услубга мослаштириш, мураккаб ибораларни соддалаштириш ҳамда кераксиз сўзларни олиб ташлаш ёки уларнинг ўрнини синонимлар билан алмаштириш каби вазифаларни автоматик тарзда бажаради.

Сунъий интеллект матн таҳририни кўп босқичли ва чуқур таҳлил асосида бажаради. У грамматик ва имловий тузатишлардан ташқари, услуб, мазмун ва ўқувчи эҳтиёжини инобатга олган ҳолда комплекс таҳрирни тақдим этади. Бу эса нафақат вақт ва кучни тежаш, балки матн сифати ва самарадорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Келажакда СИ технологиялари матн билан ишлашда янада аниқроқ, ақлли ва инсон интуициясига яқин таҳрир вариантларини таклиф этиши мумкин деб башорат қилиш мумкин.

Бугунги кунда СИ асосидаги қуйидаги воситалар матн таҳририда кенг қўлланилмоқда:

Grammarly – имло ва стилистик таҳлил;
ChatGPT, Cloud, Gemini – матн яратиш, таҳрир қилиш, қайта ёзиш;
Quillbot – жумлаларни қайта ёзиш ва соддалаштириш;
Google Docs AI Editor – автоматик тузатишлар ва ёзув услубини
созлаш.

Ушбу воситалар орасида кўпчилик ChatGPTдан фойдаланишни қулай
деб ҳисоблайди. Негаки, ChatGPT матн яратиш, таҳрир қилиш, умуман, катта
ҳажмдаги матнлар билан тезкор ишлайди. Бу айниқса, матн билан
ишловчилар учун вақтни тежаш имконини беради.



Grammarly, Language Tool, Microsoft Editor каби хизматлар матндаги
грамматик, имло ва стилистик хатоларни аниқлаб, фойдаланувчига бир неча
таҳрир вариантларини таклиф қилади. Бундан ташқари фойдаланувчи
истагига кўра матн расмий, норасмий, академик ёки бадиий услубда бўлиши
кераклиги белгиланади ва СИ шунга мос таҳрир қилади. Кўплаб СИ
воситалари фойдаланувчининг таҳрирга муносабатига қараб келажакда янада
мос вариантларни таклиф қилиш имкониятига эга.

Айтиш жоизки, матн таҳрири – бу фақат грамматик хатоларни тузатиш
эмас, балки унинг услубий, мантиқий ва семантик яхлитлигини

таъминлашдир. Замонавий СИ воситалари матнни автоматик тарзда таҳлил қилиб, уни тузатиш, соддалаштириш ёки мукамаллаштиришга қодир бўлиши билан бирга бу воситаларнинг муайян камчиликлари ҳам мавжуд.

Сунъий интеллект матннинг айрим қисмларини баъзида нотўғри талқин қилиши мумкин. Бу, айниқса, бадиий ёки публицистик услубдаги матнларда учрайди. Одатда, стандартлаштирилган таҳрирни амалга оширгани сабаб ўзига хос фикр ёки “топилма” мулозаҳаларни таклиф қила олмайди. Натижада матн “қуруқ” ёки “сунъий” бўлиб қолади.

ChatGPT ёки бошқа сунъий интеллект асосидаги матн таҳрир қилувчи тизимлар матнни автоматик таҳрир қилишда бир қанча қийинчиликларга дуч келади. Мисол учун, матннинг чуқур маъносини тўлиқ англаб етмайди, ҳар хил ёзув услубларини аниқлаш ва сақлашда ҳам талай муаммолар учрайди. Илмий услуб билан ёзилган матнни соддалаштиришда аслиятдаги услуб йўқолиши, бадиий матнни таҳрир қилишда эса образлилик, тасвирий ифодани сақлаши мураккаб бўлади. Бундан ташқари, матнлар турли тилларда, диалект ёки маданий контекстда ёзилган, сўзлар кўп маъноли бўлиши, афоризмлар, ибора ёки мақоллар нотўғри тушунилиши мумкин. Киноя, муболаға тарзида ёзилган матнларда услубни аниқлаш СИ учун жуда қийин. Таҳрир натижасида матннинг услуб ва мазмунига путур етиб, нотўғри, баъзида мутлақо зид мазмун пайдо бўлиши мумкин.

Инглиз тилида ишлаб чиқилган СИ воситалари анча мукамал бўлса-да, бошқа тиллар, айниқса, ўзбек тилида ҳали етарлича аниқликда ишламайди. Бу эса баъзан нотўғри таҳрирларга олиб келиши мумкин. Энг асосийси, автоматик тарзда яратилган ёки таҳрир қилинган матнлар муаллифлик масаласини ноаниқ қолдиради. Бундан ташқари, СИ воситаларидан ҳаддан ташқари фойдаланиш фикрлаш ҳамда ёзув маданиятининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Сунъий интеллект асосидаги воситалар бугунги кунда матн сифати, таҳрир тезлиги ва аниқлигини оширишда катта ёрдам бермоқда. Бироқ уларнинг контекстни англаш, ижодкорлик ва тил чекловлари каби

камчиликлари сабаб СИ воситаларини инсон тафаккури ва танқидий назорати билан биргаликда фойдаланиш энг тўғри ёндашув ҳисобланади.

Мисол учун, <https://pr-cy.ru/> сайти матн яратиш, таҳрир қилиш, матн ҳажмини қисқартириш ёки кенгайтириш истагидаги фойдаланувчилар учун жуда қулай платформа саналади. Аслида сайт SEO таҳлил ва веб-сайтларни ривожлантириш учун мўлжалланган онлайн платформа бўлиб, сайтда матн яратиш ёки таҳрир қилиш учун бевосита воситалар мавжуд эмас. Бироқ, у матнларни таҳлил қилиш ва оптималлаштиришга ёрдам берувчи бир қатор функциялар ҳамда матнларни SEO нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, оптималлаштириш ва қайта ёзиш учун фойдали воситаларни тақдим этади. Сайтда мавжуд тиллар қаторида ўзбек тилининг мавжудлиги унинг ўзбек тилидаги фойдаланувчилар учун янада қулайлик яратади.

Инструменты / Увеличение текста

Увеличение текста

Инструмент на основе искусственного интеллекта поможет вам увеличить текст, сохраняя его оригинальное качество и смысл.

Мы в Telegram Нашли ошибку?

Вставьте текст

Символов: 139 из 500, требуется лимитов: 1 [Увеличить лимит](#)

Продвинутая модель
Мощная модель нейросети для лучших ответов.

Тон текста: **Формальный** Язык: **Узбекский**

Результаты

Тон текста: **Формальный**

Sun'iy intellekt (SI) zamonaviy texnologiyalarning eng muhim va rivojlangan yo'nalishlaridan biridir. U o'z ichiga bir qator imkoniyatlarni oladi. Masalan, matn yaratish va tahrirlash, tasvirni tanish, ovozni qayta ishlash va boshqa ko'plab funktsiyalar. Matn yaratish jarayoni SI yordamida juda tez va samarali amalga oshiriladi. Bu, o'z navbatida, professional yozuvchilar, marketing mutaxassislari va tadbirkorlar uchun katta foyda keltiradi.

Matn tahriri esa, aniq va sifatli natijalarni taqdim etishga yordam beradi. Sun'iy intellekt algoritmlari, grammatikani va uslubiy xatolarni aniqlab, matnni yaxshilashda qo'llaniladi. Bu esa foydalanuvchilarga o'z fikrlarini aniq ifodalash imkonini beradi. Shuningdek, SI yordamida turli xil til va uslubda matnlar yaratish mumkin.


Shuni ta'kidlash lozimki, sun'iy intellekt texnologiyalari tez sur'atlarda rivojlanmoqda. Ularning qo'llanilish doirasi kengaymoqda va bu ko'plab sohalarda, jumladan, ta'lim, tibbiyot va biznesda ijobiy ta'sir ko'rsatmoqda. Misol uchun, ta'lim sohasida SI o'quvchilarga shaxsiylashtirilgan o'quv dasturlarini taqdim etadi. Bu esa har bir o'quvchining individual ehtiyojlariga mos keladi.

Umuman olganda, sun'iy intellektning matn yaratish va tahrirlashdagi roli, uning boshqa imkoniyatlari bilan birga, zamonaviy jamiyatda muhim ahamiyatga ega. Ushbu texnologiyalarni to'g'ri qo'llash, foydalanuvchilarga yuqori sifatli natijalarni olishda yordam beradi. Natijada, sun'iy intellekt, kelajakda ham ko'plab sohalarda samarali ishlashni davom ettiradi.

Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир қилиш учун шу тилда яратилган дастурий воситалар ҳам мавжуд бўлиб, бу дастурий воситалар матн таҳририни автоматик тарзда осонлаштиради, ҳар бир фойдаланувчига осон ёзиш, таҳрир қилиш, форматлаш, исталган дизайнни тақлиф қилиш имкониятларини беради.

Tahrirchi.uz – ўзбек тилидаги матнлар учун таржима ва таҳрир қилиш имкониятларини тақдим этувчи платформадир. У ўзбек тилига ихтисослашган, ўзбек тилидаги грамматик, орфографик ва услубий хатоларни аниқлашда ёрдам берадиган илова бўлиб, онлайн тарзда ишлайди.

Tahrirchi.uz (Tilmoch) сифатида туркий тиллар учун махсус яратилган сунъий идрок ҳисобланиб, ўзбек, қozoқ ва қорақалпоқ тилларига табиий ва сифатли таржима қила олади. Синовлардан ўтганидан кейин мутахассислар “Tilmoch”ни бошқа таржимонлардан икки ҳисса устун дея баҳолашган. Бу платформа орқали матнларни ўзбек тилига таржима қилиш, имло хатоларини топиш, ўзлашма сўзларни ўзбек тилидаги муқобили билан алмаштириш ва ёзув сифатини оптималлаштириш мумкин. Дастур мобил иловалар, веб-сайт орқали эркин фойдаланиш учун мўлжалланган. Матнларни автоматик аниқлаб таржима қилувчи технологиялар, тушунтириш алгоритмлари ва халқаро таржималардан самарали фойдаланилган. Бундан ташқари, соҳаларга тегишли терминлар, таржима, ёзувнинг автоматик ёзилиши, оддий ва тушунарли дастур интерфейси фойдаланувчиларга матнни осонгина таҳрир қилиш имконини беради.




Tahrirchi.uz дастури матннинг чуқур семантик маъносини тўлиқ англамаслиги, таҳрир масаласида имконияти чеклангани, ижодий услубни сақлашдаги чекловлар ва ўзбек тилининг мураккаблиklarини ҳисобга

олмаслик каби камчиликларга эга. Шунинг учун, дастурдан фойдаланишда муҳаррирнинг назорати муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек тилида бехато ёзиш учун ишлаб чиқилган яна бир платформа Matn.uz бўлиб, асосан бехато ёзиш, кирилл–лотин ва лотин–кирилл алифбосига алмаштириб бериш учун фойдаланилади. Синтаксисга оид ва бошқа хатоларни ўз ичига олмайди.

Matn.uz тизимидан фойдаланиш бепул. Тизимнинг асосий вазифаси берилган матннинг имло хатолари мавжуд ёки йўқлигини текшириш, универсал изоҳли луғат, лотин алифбосида келтирилган матнни кирилл алифбосига ўгириб бериш (шу ўринда кирилл алифбосидаги матнни лотин алифбосига ўгириш), матн таҳрири.



Ҳозирда ўзбек тилида матн таҳрири билан шуғулланувчи бир нечта фойдали воситалар мавжуд. Tahrirchi.uz соҳага ихтисослашган энг илғор платформалардан бири ҳисобланса, Savodxon.uz, ImloBot, Tilim.uz ёки Ziyonet каби дастурий қурилмалар ҳам ўзбек тилининг имло қоидаларига асосланган луғавий ва грамматик таҳлил, имло ҳамда сўз текширувида фойдаланувчиларга кўплаб имкониятлар тақдим этади.

Ўзбек тилида матн таҳрири билан ишловчи дастурлар грамматик хатоликларни тўғри аниқласа-да, мазмунга хос ноаниқликлар ва сўз бойлиги

билан боғлиқ камчиликлардан ҳоли эмас. Шунинг учун ушбу дастурларни ишлатишда эҳтиёткорлик билан ёндашув ва инсон омили ҳали ҳам муҳим аҳамиятга эга. Келажакда сунъий интеллект асосидаги тизимлар янада ривожланиб, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ англашга имкон яратиши мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, матн яратиш ва таҳрир қилиш билан шуғулланувчи дастурлар келажакда фойдаланувчиларнинг талабларига мос равишда ўзгариб, муҳим афзалликларга эга бўлиши мумкин. Мисол учун, Google Docs ва Microsoft Word Online каби платформаларда бир нечта фойдаланувчи бир вақтда ишлашлари мумкин. Бу механизмлар янада яхшиланиб, масофавий ишлаш, контентни биргаликда таҳрир қилиш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бериши, кўп тилдаги контентни таҳрир қилишда тилнинг хусусиятларига мос автоматик хато топиш ва тўғрилаш функциялари пайдо бўлиши мумкин. Бу афзалликлар матн таҳрири билан шуғулланувчи дастурларнинг келажакда асосий инструментлардан бирига айланишини, уларнинг самарадорлиги ва ишлаш жараёнини янада осонлаштиришини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdujanova V. Publitsistik matn tahririda muharrir mahorati masalalari. Fil.fan.bo‘y.fal.fan.dok. (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan diss. Toshkent, 2024.
2. <https://pr-cy.ru/text-generator/>
3. <https://tilmoch.ai/uz/editor>
4. <https://chatgpt.com/>
5. <https://savodxon.uz>
6. <https://matn.uz/>